

ТЎЛОВ ТИЗИМЛАРИ ШАРҲИ

(2022 йил бўйича)

Миллий тўлов тизимининг ишончли, хавфсиз ва самарали ишлашини таъминлаш мақсадида тўлов инфратузилмасини ривожлантириш, тўлов хизматларини тақдим этишда рақамли технологиялар ва инновацияларни қўллаш ҳамда рақобат муҳитини кучайтиришга эътибор қаратилмоқда.


Марказий банкнинг тўлов тизимлари фаолияти

Миллий тўлов тизимининг асосий бўғини бўлган Марказий банкнинг Банклараро тўлов тизими, Ҳисоб-китоблар клиринг тизими ва Тезкор тўловлар тизимининг 2022 йилда барқарор ва узилишларсиз ишлаши таъминланди.

Хусусан, 2022 йилда Марказий банкнинг Банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакциялар ҳажми ўтган йилга нисбатан **1,5 баробарга** ошиб, 4 129 трлн. сўмни ташкил этди.

1-чизма

Марказий банкнинг Банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакциялар




Банклараро тўлов тизими транзакциялари ҳажмининг ўсиши Марказий банкнинг тижорат банклари билан амалга оширилган депозит операциялари, бошқа тўлов тизимлари бўйича ўтказилган клиринг амалиётлари ҳажми, шунингдек хўжалик субъектларининг иқтисодий фаоллигининг ошганлиги билан изоҳланади.

Марказий банкнинг Банклараро тўлов тизими орқали ўтказилган транзакциялар ҳажмининг 10 фоизи – Капиталбанк, 9 фоизи – Ипотека-банк, 9 фоизи – Миллий банк, 7 фоиздан – Трастбанк, Ўзсаноатқурилишбанк ва Халқ банки, шунингдек қолган банклар ҳиссасига тўғри келади.

2-чизма

Банклараро тўлов тизими орқали 2022 йил мобайнида ўтказилган транзакциялар ҳажми банклар кесимида




Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар клиринг тизими фаолиятини ривожлантиришда товар (иш, хизматлар) учун тўловлар рўйхатини кенгайтириш, аҳоли ва хизматларни етказиб берувчилар учун қулай ва содда тўлов хизматларини жорий қилишни таъминлашга эътибор қаратилди.

Натижада Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар клиринг тизими орқали тўловларни қабул қилувчи ташкилотлар (хизматлар тақдим этувчилар) сони 2022 йилда **46** тага етди.

3-чизма


Ҳисоб-китоблар клиринг тизими орқали амалга оширилган транзакциялар



2022 йилда Ҳисоб-китоблар клиринг тизими орқали амалга оширилган тўловлар ҳажми 2021 йилга нисбатан **1,6 баробарга** ошиб, **58,7 трлн.сўмни** ташкил этди.

4-чизма

Ҳисоб-китоблар клиринг тизими орқали 2022 йил мобайнида ўтказилган транзакциялар ҳажмида банкларнинг улуши



Статистик маълумотларга кўра, Ҳисоб-китоблар клиринг тизими орқали ўтказилган транзакциялар ҳажмининг 16 фоизи – Агробанк, 15 фоизи – Алоқабанк, 13 фоизи – Асака банк, 8 фоизи – Ипотека-банк ва бошқа банклар ҳиссасига тўғри келади.


Ҳисобот йилида юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларга тўлов операцияларини туну-кун (24/7) онлайн режимида амалга ошириш имконини берувчи **Марказий банк Тезкор тўловлар тизимининг** барқарор ва узлуксиз ишлашини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Бугунги кунда республикадаги деярли барча тижорат банклари Тезкор тўловлар тизимига уланган бўлиб, масофавий хизмат кўрсатиш тизимлари орқали ишлаётган барча миждозларга ушбу тизимдан фойдаланиш имконияти тўлиқ яратилган.

2022 йилда мазкур тизим орқали амалга оширилган транзакциялар ҳажми 2021 йилга нисбатан 1,4 баробарга ошиб, 446,4 трлн. сўмни, транзакциялар сони ҳам 1,4 баробарга ошиб, 17,6 млн. тани ташкил этди. Бунда, Молия вазирлиги Ғазначилигига ўтказилган бюджет тўловлари ҳажми 2021 йилга нисбатан қарийб **1,8 баробарга** ўсиб, 21,6 трлн. сўмга етди.

5-чизма

Марказий банкнинг Тезкор тўловлар тизимида амалга оширилган транзакциялар




Тизим орқали ўтказилган транзакциялар ҳажми кундузги ва кечки сессия бўйича қаралганда, соат 09-00 дан 17-00 гача (кундузги сессия) бўлган вақт оралиғида ўтказилган тўловлар 2021 йилдаги 93 фоиздан 89 фоизга пасайиб, соат 17-00 дан 09-00 гача (кечки сессия) бўлган вақт оралиғида амалга оширилган транзакциялар улуши эса 7 фоиздан 11 фоизга ошди.

6-чизма

Тезкор тўловлар тизими орқали кечки/тунги вақт оралиғида амалга оширилган транзакциялар сони,
минг донада

7-чизма

Тезкор тўловлар тизими орқали кечки/тунги вақт оралиғида амалга оширилган транзакциялар ҳажми, *млрд. сўмда*




Ушбу тизимда амалга оширилган жами транзакциялар сонининг **17** фоизи **кечки/тунги вақтда** амалга оширилган операциялар ҳисобига тўғри келиб, бу 2021 йилга нисбатан 3 фоизга кўпдир. Ҳисобот йилида 2021 йилга нисбатан Марказий банкнинг тезкор тўловлар тизими орқали **кечки/тунги вақтда** оралиғида амалга оширилган транзакциялар сони 1,9 баробарга ортиб 3,1 млн. тани, амалга оширилган транзакциялар суммаси эса 2,3 баробарга ортиб 48,3 трлн. сўмни ташкил этди. Бу эса, 2022 йил давомида тадбиркорлик субъектлари **кечки/тунги** вақт оралиғида тўловларни амалга оширишда фаоллашганлигидан далолат беради.

Статистик маълумотларга кўра, ушбу тизим орқали ўтказилган транзакцияларнинг 79 фоизи (353,4 трлн. сўм) ўнта банк ҳиссасига тўғри келган ва қолган 21 фоизи (92,9 трлн. сўм) бошқа банклар томонидан амалга оширилган. Бундан, 17 фоиз (74 трлн. сўм) – Миллий банк, 15 фоиз (65 трлн. сўм) - Ўзсаноатқурилишбанки, 9 фоиз (40,7 трлн. сўм) – Асака банк, 8 фоиз (35,4 трлн. сўм) – Узумбанк, 7 фоиз (32,9 трлн. сўм) – Ҳамкорбанк, 6 фоиз (26,2 трлн. сўм) – Ориент Финанс банк, 5 фоиз (35,4 трлн. сўм) – Трастбанк ва қолган банклар улушига тўғри келди.

8-чизма

2022 йил мобайнида Тезкор тўловлар тизими орқали ўтказилган транзакциялар ҳажми банклар кесимида, фоизда




Банк карталарига асосланган чакана тўлов тизимларининг фаолияти

2022 йилда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишда қулай шарт-шароитлар яратиш борасида асосий эътибор банк карталарига асосланган чакана тўлов тизимларининг инфратузилмасини ҳамда мавжуд инфратузилмадан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилди.

Аҳолининг молиявий саводхонлик даражасининг ортиб бораётганлиги ҳамда масофавий банк хизматларидан фойдаланиш имкониятлари тўғрисида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кенг тарғибот ишлари олиб борилиши натижасида муомалага чиқарилган банк карталари сони 2022 йилдаги **27,1** млн. данадан **34,2** млн. данагача кўпайди.


9-чизма

Банк карталари сони, минг донада



Ҳисобот йилида чакана савдо ва пуллик хизматлар кўрсатиш соҳасида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектларига ўрнатилган ҳисоб-китоб

терминаллари сони **434** мингдан ортиқни ташкил этди. Ўз навбатида, тўлов терминаллари орқали қабул қилинган тўловлар суммаси 2021 йилга нисбатан **66,5** трлн сўмга ўсиб, ҳисобот йилида **177,7** трлн сўмга тенг бўлди.



Тўлов тизимлари йўналиши бўйича халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида Марказий банк томонидан бир қатор келишувлар имзоланди. Бунда, Марказий банк ва халқаро тўлов тизимлари ўртасида имзоланган англашув меморандумларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Бундан ташқари, миллий чакана тўлов тизимларининг VISA, Mastercard, ҳамда UnionPay International халқаро тўлов тизимлари билан ўзаро интеграциясини янада чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳисобот йилида Миллий банклараро процессинг маркази ва TBC Bank Uzbekistan ўртасида HUMO банк карталарига Грузияда хизмат кўрсатиш лойиҳасини бошлаш бўйича шартнома имзоланди. Ушбу лойиҳанинг жорий этилиши орқали банкнинг мижозлари миллий валютадаги HUMO карталари билан TBC банкнинг барча банкоматлар тармоғи орқали тўловларни амалга ошириш ёки нақд пулларни ечиб олиш имкониятига эга бўлдилар.


Маҳаллий тижорат банклари халқаро тўлов тизимлари (VISA, Mastercard ва UnionPay) билан ўзаро ҳамкорликда **резидентлар** учун республика ҳамда хорижий тўлов тизимлари инфратузилмасида ҳисоб-китобларини амалга ошириш имкониятини берувчи **кобейджинг** банк карталарини муомалага чиқариш янада кенгайтирилиб, 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига чиқарилган кобейджинг банк карталари сони 1,7 млн.дан ортиқни ташкил этди.

Тўлов хизматларидан фойдаланувчиларга қулайлик яратиш мақсадида банк инфратузилмалари, туризм ҳамда бошқа объектларга ўрнатилган банкомат ва инфокиосклар сони **57** фоизга ошиб, 2023 йил 1 январь ҳолатига **20,4** мингдан ортиқни ташкил этди.

HUMO миллий тўлов тизимининг функционали, инфратузилмасини ривожлантириш ва оммабоплигини ошириш бўйича олиб борилган ишлар натижасида, ҳисобот йилида жами банкоматлар орқали амалга оширилган транзакциялар ҳажмида HUMO банкоматларидан ўтказилган амалиётлар улуши 2021 йилдаги **35** фоиздан **49** фоизгача ошиши кузатилди.


12-чизма

Банкомат ва инфокиосклар сони, *донада*



13-чизма

Банкоматлар орқали амалга оширилган транзакциялар, *млрд.сўмда*



Тўлов хизматлари бозорида молиявий технологиялар ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш

Марказий банк томонидан миллий тўлов тизимларини ривожлантириш ва молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш йўналишидаги ишлар доирасида **банк бизнес жараёнларини автоматлаштириш ва хизматларнинг рақамли каналлар** орқали кўрсатилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш хизматларидан фойдаланувчилар сони **1,5 баробарга** ошиб, 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига **30 млн.га** етди. Бунда, фойдаланувчиларнинг **1,2 млн.** тасини **юримдик шахслар** ташкил этган бўлса, банк карталари ва банк депозит ҳисобварақлари бўйича банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш

тизимларидан фойдаланувчи **жисмоний шахслар** сони **28,8** млн. тага тенг бўлган.

Банкларнинг мобил илова дастурларида жисмоний шахслар учун барча базавий банк хизматларидан фойдаланиш имконияти яратилиши натижасида масофадан туриб онлайн тарзда амалга оширилган операциялар ҳажми ҳисобот йилида **145,8** трлн. сўмга етди.

Бунда, мобил илова дастурлари орқали амалга оширилган **онлайн депозитлар** – 21,9 трлн. сўм, **конверсия амалиётлари** – 20,9 трлн. сўм, **онлайн микроқарзлар** – 5,6 трлн. сўм, **кредитларни сўндириш ҳажми** – 8,2 трлн. сўмни ташкил этди.


Контактсиз тўловларни амалга ошириш имкониятларини янада ошириш (хусусан, QR-код ва NFC технологиялари билан қамраб олиш даражасини ошириш) мақсадида Марказий банк томонидан тижорат банклари билан бирга тўлов тизимлари инфратузилмасида контактсиз тўловларни амалга ошириш кўламини кенгайтириш учун савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида (*чакана савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш пунктлари, умумий овқатланиш объектлари, етказиб бериш хизматлари, ўз-ўзини банд қилган шахслар ва ҳ.к.*) фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектларини QR-код ва NFC технологиялари асосида тўловларни амалга ошириш тўлов воситалари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Банк картаси ва тўлов терминалидан бевосита фойдаланмаган ҳолда, банк картасидаги маблағлар ҳисобидан товар ва хизматлар учун мобил илова дастурлари ёрдамида QR-код орқали тезкор тўловларни амалга ошириш мақсадида ишга туширилган “QR-online” тизими оммалашиб бормоқда.

2022 йилда “QR-online” ахборот тизими томонидан тадбиркорлик субъектларига тақдим қилинган QR-кодлар сони 2021 йилга нисбатан қарийб 8 минг тага ошиб **99 минг** тага етди. Шунга қарамаздан, 2022 йилда ушбу тизим орқали ўтказилган транзакциялар ҳажми 2021 йилдаги 14,9 млрд. сумдан **191,6 млрд. сўмгача** ошди, транзакциялар сони эса 4,2 баробарга ошиб 63,2 минг тани ташкил қилди.

14-чизма

QR-online тизимида амалга оширилган транзакциялар



Шу билан бирга, контакtsiz тўлов технологиясини кенгайтириш доирасида “НУМО РАУ” дастури (смартфоннинг NFC тизими) орқали банк картасидан бевосита фойдаланмасдан савдо ҳамда пуллик хизматлар кўрсатиш пунктларида тўловларни амалга ошириш хизмати 21 та банкнинг мобил иловалари орқали кўрсатиб келинмоқда.

Контактtsiz тўлов хизматларини ривожлантириш доирасида жорий этилган Tap-to-phone тизими POS-терминалга муқобил тўлов воситаси сифатида смартфоннинг NFC тизими орқали тадбиркорлик субъектлари учун тўловларни қабул қилиш имкониятини бериб, ушбу хизматдан 2,3 мингта тадбиркорлик субъекти фойдаланиб келмоқда.

Шу ўринда, 2022 йилда NFC технологияси асосида амалга оширилган транзакциялар ҳажми 2020 йилга нисбатан **2,1 баробарга** ошиб, **25,5 трлн. сўмни** ташкил этди.

Ҳисобот йилида мобил хизматларни кўрсатишда татбиқ этилган **рақамли идентификация қилиш механизмини** (Face ID) кенг қўллаш ва оммалаштириш давом этирилди. Ҳозирги кунга келиб, ушбу технологиядан 26 та тижорат банки ва 13 та тўлов ташкилоти фойдаланмоқда.

Бу ўз навбатида, миқозларни масофавий банк ва тўлов хизматларидан (банк ҳисобварақларни очиш, электрон ҳамёнларни очиш, микроқарзлар олиш ва ҳ.к.) фойдаланиш имкониятини янада кенгайтирмоқда.

2023 йил 26 январь куни Россия Федерациясининг Москва шаҳрида “Global CIO” рақамли трансформация етакчилари уюшмаси томонидан ташкил этилган конкурса МДХ давлатларидан тақдим этилган жами 434 та лойиҳа орасида мамлакатимиз банк тизимида жорий этилган “Биометрик идентификация” лойиҳаси **“йил лойиҳаси” танловининг ғолиби** сифатида эътироф этилди.

Тўлов хизматлари бозоридаги рақобат муҳити

Илғор молиявий технологиялар ва инновацион ечимлар тўлов хизматлари бозорига юқори суръатларда кириб бориб, бозорда янги иштирокчиларнинг пайдо бўлишига шароит яратиб бермоқда.


Тўлов хизматлари бозорига янги иштирокчилар кириб келиши учун кенг ва тенг имкониятлар яратиш орқали рақобат муҳитини кучайтириш мақсадида, ҳисобот йилида Марказий банк томонидан **15 та** тўлов ташкилотларига ўз фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар берилиб, жами тўлов ташкилотлари сони **47 тага** етди.

Бу эса, тўлов хизматларини кўрсатадиган нафақат тижорат банклари, балки нобанк тўлов ташкилотларининг хизматларидан фойдаланишга бўлган талаб тўлов хизматлари бозорида ортиб бораётганлигини аниқлатмоқда.

Натижада, 2022 йилда тўлов ташкилотлари томонидан 116 трлн. сўмлик транзакциялар амалга оширилиб, 2021 йилга нисбатан **2,1** баробарга ошди.


15-чизма

Тўлов ташкилотлари томонидан 2021 ва 2022 йилларда амалга оширилган транзакциялар ҳажми, *трлн.сўмда*



16-чизма

Тўлов ташкилотлари томонидан 2021 ва 2022 йилларда амалга оширилган транзакциялар ҳажмининг мақсади бўйича таснифланиши, *млрд.сўмда*




Бунда, жисмоний шахслар томонидан тўлов ташкилотларининг хизматларидан фойдаланган ҳолда мобил операторлар хизматлари учун – 10,5 трлн. сўм, коммунал хизматлар учун – 8,9 трлн. сўм, давлат хизматлари учун – 6,1 трлн. сўм ва кредит тўловлари учун – 3,6 трлн. сўмлик тўловлар амалга оширилган.

Тўлов хизматлари бозорида электрон пуллар тизимларининг жорий этилиши нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг янада ривожланиши ва тўлов хизматларидан фойдаланувчиларга қўшимча имкониятлар яратилишига замин яратмоқда. Электрон пулларнинг бир қанча қулайликлари, хусусан, пул маблағларини тезкорлик билан тасарруф этиш, банкда ҳисобварағини очиш заруриятининг мавжуд эмаслиги ва транзакциялар шаффофлиги каби афзалликлари туфайли оммабоплиги тобора ортиб бормоқда.

17-чизма


Электрон пуллар тизимлари орқали амалга оширилган транзакциялар



2023 йилнинг 1 январь ҳолатига Марказий банкнинг электрон пуллар тизимлари реестрига 15 та электрон пуллар тизимлари киритилган бўлиб, мазкур тизимларда очилган электрон ҳамёнлар сони 8,4 млн. донага етди. Ҳисобот йилида электрон пуллар орқали амалга оширилган транзакциялар сони 2021 йилга нисбатан 1,8 баробарга ошган ҳолда 11,6 млн. донани, транзакциялар ҳажми эса 1,6 баробарга ўсиб 273,2 млрд. сўмни ташкил этди.

18-чизма

2022 йилда электрон пуллар орқали амалга оширилган тўловларнинг таркиби



Электрон ҳамён эгалари томонидан ўтказилган транзакцияларнинг 92 фоизи электрон пуллар тизимларининг иштирокчиси бўлган тадбиркорлик субъектларининг электрон ҳамёнларига муайян товар (хизмат, ишлар) учун тўловларни амалга ошириш ҳамда 8 фоизи жисмоний шахслар электрон ҳамёнига пул ўтказмасини амалга ошириш мақсадида фойдаланилган.

Электрон пуллар воситасида амалга оширилган тўловларнинг 28 фоизи мобил операторларнинг хизматлари, 10 фоиздан – коммунал хизматлар ҳамда ўйин ва ижтимоий тармоқлардаги хизматлар, 9 фоизи – хорижий электрон ҳамёнларни тўлдириш, 5 фоизи жойдаги тўловлар ва бошқа хизматлар учун ўтказилган тўловларни ташкил этади.